

Шунингдек, корхоналарда асосий воситалар объектлари бўйича таққослама таҳлилнинг ўтказилмаслиги ва улар бўйича молиявий натижалар аналитик ҳисобининг юритилмаслиги кузатилади.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқотлардан кўринадики, асосий воситаларни таҳлил этишда қуйидаги мунозарали жиҳатлар мавжуд:

1) асосий воситалар таркиби ҳақидаги ахборотнинг ошкор этилмаслиги ташқи фойдаланувчига уларнинг актив ва пассив қисмини аниқлашни қийинлаштиради;

2) асосий воситаларнинг техник ҳолатини аниқлаш учун қўлланиладиган кўрсаткичларнинг умумий тавсифи нотўғри таҳлилий хулосага олиб келади (жумладан, айнан актив

асосий воситаларнинг техник ҳолати салбий кўриниш касб этган бўлиши мумкин);

3) айнан маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми ҳақидаги ахборотнинг молиявий ҳисоботларда ва уларнинг изоҳида акс эттирилмаслиги ташқи фойдаланувчилар учун асосий воситалардан самарали фойдаланиш даражасини аниқлаш имконини чеклайди.

Асосий воситалар таҳлили бошқарув қарорларини қабул қилиш учун етарли ахборот базасини шакллантириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш имконини беради.

Асосий воситалардан самарали фойдаланиш даражаси маҳсулот ҳажми, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот (иш, хизмат) таннархи каби кўрсаткичларнинг ижобий тавсифга эга бўлишини рағбатлантиради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кагарманова А.И., Хачапуридзе К.М. Методика анализа основных средств предприятия. // Научно-практический электронный журнал Аллея Науки, № 1(28), 2019, Alley-science.ru
2. Климова Н.В. Направления совершенствования методики анализа состояния и эффективности использования основных средств. Экономический анализ: теория и практика. 6 (111), 2008. 22-30 стр.
3. Пугина К.А. Методика проведения анализа основных средств. / К.А.Пугина, С.Н.Хуаде, В.А.Сухенко. // Новая наука: от идеи к результату. 2015. № 6-1. С. 123-125.
4. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Учебное пособие. – Минск: Новое издание, 2016. – 683 с.
5. Соловьева Н.А., Медведева Е.А. Анализ основных средств и эффективности их использования. Учебное пособие. – Красноярск, 2006.
6. Шадрин Г.В. Экономический анализ. Учебник для бакалавров. – М.: ЮРАЙТ, 2016. – 515 с.
7. Шеремет А.Д. Комплексный анализ хозяйственной деятельности. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2006.
8. Чуев И.Н., Чуева Л.Н. Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности. Учебное пособие. – М.: КФЭИ, 2014. – 368 с.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ ҲИСОБИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Азимова Феруза Пайзиевна
Тошкент тўқимачилик ва енгил
саноат институти

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a10

Аннотация. Ушбу мақолада дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳисобот даврида ёки олдинги даврларда вужудга келган қарзлари (кредиторлик) ҳамда уларнинг қопланиши, иқтисодий нафнинг камайиши, яъни мавжуд активларнинг камайиши тўғрисидаги маълумотлар ёритилган.

Калит сўзлар: дебитор, кредитор, даромад, тўқимачилик саноати, ишлаб чиқариш, тўлов қобилияти, давлат бюджети, молиявий ҳолат, кредиторлик қарзлари, дебиторлик қарзлари.

УЧЕТ ДЕБИТОРСКОЙ И КРЕДИТОРСКОЙ ЗАДОЛЖЕННОСТИ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ И ПУТИ ИХ УЛУЧШЕНИЯ

Азимова Феруза Пайзиевна

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Аннотация. В данной статье освещена информация о дебиторской и кредиторской задолженности, возникшей в отчетном периоде или в предыдущих периодах (кредиторах) и ее погашении, уменьшении экономической стоимости, т.е. уменьшении свободных активов.

Ключевые слова: должник, кредитор, доходы, текстильная промышленность, производство, платежеспособность, государственный бюджет, финансовое положение, кредиторская задолженность, дебиторская задолженность.

RECEIVABLE AND PAYABLE ACCOUNT AND ITS IMPROVEMENT IN NEW UZBEKISTAN

Azimova Feruza Payzievna

Tashkent Textile and Light Industry Institute

Abstract. This article covers the information on the debts of receivables and payables that arose during the reporting period or in previous periods (creditors) and their repayment, the decrease in economic value, i.e., the decrease in available assets.

Key words: debtor, creditor, income, textile industry, production, solvency, state budget, financial position, accounts payable, accounts receivable

Кириш. Рақамли иқтисодиёт шароитида турли соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликнинг кучайиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши натижасида аҳоли даромадлари, турмуш даражасининг сезиларли равишда ошгани хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия фаолиятини такомиллаштиришга замин яратмоқда. Охириги йилларда Ўзбекистон олдингидан тубдан фарқ қилувчи янги иқтисодий муносабатларга асосланган ҳолда иқтисодий ривожланишнинг янги босқичларига ўтиб бормоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унга кўра, “Тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш” бўйича қарор қабул қилинган [1].

Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулот ҳажми сезиларли даражада ошиб бормоқда, ўз навбатида, давлат бюджетининг даромад қисми ҳам ошмоқда. Бу каби иқтисодий ўзгаришлар мамлакатда макроиқтисодий барқарорликка эришиш, пул-валюта ва тўлов интизоми мустаҳкамланиб боришига асос бўлмоқда.

Тўқимачилик саноати корхоналарининг молиявий барқарорлиги улар ўртасидаги

дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ўз вақтида бажарилиб боришига бевосита боғлиқ. Бир корхонанинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлар олдидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг бажарилмай қолиши занжирсимон таъсирини юзага келтириб, жуда кўплаб корхоналарнинг молиявий ҳолатига ва охир-оқибатда мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. «Ресурсларни иқтисод қилиш муаммолари тўғрисида гапирганда, – деб таъкидлаган эди биричи президентимиз, – молиявий ресурсларни тежаш, берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтирилиши масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. Кредитлардан асоссиз кечиб юбориш ёки қарз тўловларини муддатида қайтармаслик каби номақбул тажрибага мутлақо барҳам бериш керак».

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2006 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларини бажариш борасида муайян ишлар олиб борилганлигига қарамадан, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бошқариш оғир аҳволда қолмоқда [2].

Бу борада ривожланган мамлакатлардагидек қатъий тартиб ўрнатиш лозим. Агар

кимдир қарз олмоқчи бўлса, ўз мулкни гаровга қўйиб олади. Агар қарзини ўз вақтида қайтара олмаса, унинг мулки банкнинг, қарз берувчининг тасарруфига ўтади. Бунда қарз берувчи бу мулкни сотувга қўйиши мумкин. Мана шундагина корхона раҳбарлари кредит, яъни қарз олиш масаласини чуқур ўйлаб, масъулият билан ёндашадиган бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Россиялик иқтисодчи В.В.Ковалевнинг фикрича, тўлов қобилияти корхонада кредиторлик қарзларини тезлик билан қайтариш ҳисобкитоблари учун пул маблағлари ва унинг эквивалентларининг мавжудлигидир. Демак, тўлов қобилиятининг мазмунан 2 қисми, яъни актив ва пассив жиҳатлари мавжуд. Актив жиҳатлари, керакли ҳажмдаги пул маблағларининг мавжудлиги ва пассив жиҳати кечиктирилган кредиторлик қарзларининг мавжуд эмаслиги каби белгиларидадир [3].

Молиявий активларнинг элементи ҳисобланган дебиторлик қарзларига инвестицияларнинг иқтисодий табиати ва унинг компаниялар бозор қиймати таъсирига оид қарашлар иқтисодчи С.О.Джон томонидан кенг ёритиб берилган [4].

Тижорат кредити воситасида шакллантириладиган жорий молиявий активлар ва пассивларни мувозанатли бошқариш масалари С.Даниел ва Р.Ф.Сейфертнинг илмий тадқиқотларида чуқур ўрганилган [5].

Иқтисодчи М.Д.Бавелд эса молиявий инқироз даврида Голландия компанияларида рентабеллик кўрсаткичларига ишчи (жорий) капитал самарадорлигининг таъсир кучи юқори бўлишини исботлаган [6].

Х.Ким Ёнг ва Жозеф Аткинс жорий молиявий активлар таркибида дебиторлик қарзларининг компаниялар бозор қийматини максималлаштиришга таъсирини эмпирик тадқиқотлар йўли билан асослаган [7].

Бу борадаги ўзига хос тадқиқотлардан бири Зви Лиебер, Яир Е.Ордер томонидан олиб борилган бўлиб, улар дебиторлик қарзларининг компаниялар молиявий хўжалик фаолиятига таъсирининг интеграллаштирилган моделини ишлаб чиқишган [8].

И.А.Бланк “Финансовый менеджмент” китобида айланма активлар таркибида дебиторлик қарзларини шакллантириш, истеъмол кредитига йўналтириш мумкин бўлган маблағларни аниқлаш ва дебиторлик қарзлари ҳамда уларнинг сўндирилиши устидан назоратни амалга ошириш тўғрисида маълумот берган [9].

Тадқиқот методологияси. Мақолада дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳисобини юритиш тартиби, таҳлил қилиш, тизимли ёндашув, таққослаш, қиёсий таҳлил, мавзуга оид статистик маълумотлар ва назарияларни ўрганишда мантиқий ва эркин фикрлаш, илмий мушоҳада қилиш, тизимли ёндашув усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ хўжалик юритишнинг турли мулкчиликка ҳамда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мослашиш жараёни жадаллик билан амалга оширила бошланди.

Республикамикорхоналарида ҳисоб ва ҳисобот ишларини халқаро стандартларга мослаштириш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, бухгалтерия ҳисоботини тузиш услубияти ва ҳисобот шаклларида бир қанча ўзгаришлар юз берди. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолати, иқтисодий-молиявий ҳолати, пул маблағлари ҳаракатига эътибор кучайтирилди [10].

Ҳозирги кунга қадар бухгалтерия ҳисобини, хусусан, унинг таркибий қисмларидан бири бўлган ҳисоб-китоб счёти муомалалари ҳисобини тартибга солишга оид бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.



1-расм. Ҳисоб-китоб счёти муомалалари ҳисобини тартибга солишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар [11]

Тўқимачилик саноати корхоналари ўзларининг ишлаб чиқариш ҳўжалик фаолиятида бошқа субъектлар билан доимо алоқада бўлади. Жумладан, истеъмолчи харидорларга тайёр маҳсулотларини сотади, ишларни бажаради, хизматлар кўрсатади, бўнак ёки қарз беради.

Ўз навбатида, бошқа субъектлар олдида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари пайдо бўлади, яъни олган хомашё ва материалларнинг қийматини тўлаш юзасидан мол етказиб берувчилар олдида, бажарилган ишлари бўйича пудратчилар олдида, истеъмол қилинган хизматлар юзасидан хизмат кўрсатувчилар олдида ва ҳоказо.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳисобот даврида ёки олдинги даврларда вужудга келган қарзлар (кредиторлик) бўлиб, уларнинг қопланиши (яъни сўндирилиши) иқтисо-

дий нафнинг камайишига, яъни мавжуд активларнинг камайишига олиб келади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари субъектнинг турли келишувларни бажариши натижасида вужудга келади ва товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар юзасидан келгусида тўловлар учун асос бўлиб ҳисобланади. Бироқ турли сабабларга кўра, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ўз вақтида узилмай қолиши мумкин. Бу ҳолат, бир томондан, корхона фаолиятини қарз дебиторлик ва кредиторлик қарзларига боғлиқлигини оширса, иккинчи томондан, у билан иқтисодий алоқада бўлган компаниялар ишига салбий таъсир кўрсатади [12].

Масалан, “НИЛУФАР-ЛОЛА ТЕКСТИЛЬ” масъулияти чекланган жамиятнинг ушбу ҳолати ўрганилиб, 1-жадвалда кўрсатилган натижалар олинди.

1-жадвал

“НИЛУФАР-ЛОЛА ТЕКСТИЛЬ” масъулияти чекланган жамиятнинг жорий дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг динамикаси бўйича маълумотлар (минг сўм ҳисобида)

2020 йил		2021 йил		2022 йил	
Сумма	Балансга нисбатан % ҳисобида	Сумма	Балансга нисбатан % ҳисобида	Сумма	Балансга нисбатан % ҳисобида
4 976 827	68.8	6 987,73	49,5	103 576	45,5

1-жадвалдан кўриниб турибдики, жорий дебиторлик ва кредиторлик қарзлари корхона баланс суммасининг умумий қийматида баъзи ҳолатларда йиллар кесимида 2020 йилда 68,8 фоизни, 2021 йилда 49,5 фоизни ва 2022 йилда 45,5 фоизни ташкил қилмоқда. Маълумотлар бу ҳолат яхши эмаслигини кўрсатмоқда [13].

Умуман олганда, кўриб турганимиздек, баланснинг пассивида жорий дебиторлик ва кредиторлик қарзлари қиймати катта улушни ташкил қилмоқда.

Шунга кўра, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳисобининг ҳаракатдаги тартибини такомиллаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Мақолада тўқимачилик саноати корхонасида жорий дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бошқариш ва унинг ҳисоби масалаларига тўхталиб ўтамыз.

Тузилган шартномага мувофиқ мол етказиб берувчилардан товар-моддий захиралари қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб, субъект ва мол етказиб берувчилар ўртасида қуйидаги йўналишлар бўйича ҳисоблашиш муомалалари пайдо бўлиши мумкин:

- субъектга такдим этилган активлар, хизматлар ва бажарилган ишлар бўйича;

- қабул қилиш пайтида аниқланган товар-моддий бойликлари, ишлар ва хизматлар миқдорининг ортиқчалиги;

- етказиб бериш бўйича хизматлар, шу жумладан, таъриф суммасининг кам ҳисобланган суммаси юзасидан ва шунга ўхшаш муаммолар бўйича.

Ушбу товар-моддий бойликлар омборхонага ёки субъектнинг истеъмолчига қабул қилинаётганда, кирим ордери ёзилиб, ушбу ордерлар илова қилинган ҳолда реестр тузилади ва омбор мудирини томонидан бухгалтерияга топширилади. Ушбу ҳужжатлар гуруҳлаштирилиб ва текширилиб, тўлов ҳужжатига илова қилинади, чунки банк ушбу исботловчи ҳужжат билангина тўлов топширигини қабул қилади.

Кўрсатилган сумма мол етказиб берувчига тўлангандан кейин субъектнинг банкдаги тегишли счётидан ҳисобдан чиқарилади.

Моддий бойликлар кузатувчи ҳужжатларсиз, фактурасиз келган бўлса, қуйидагиларни текшириш зарур:

- олинган товар-моддий бойликларнинг қиймати олдин тўланганми ёки йўқлигини;
- моддий бойликларни ўлчаб, тортиб, нави ва баҳосига эътибор бериб, тегишли қабул қилиш «Далолатнома»сини тузиш;
- ушбу бойликларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларида турган ёки турмаганлиги.

Фактурасиз қабул қилинган хомашё ва материалларнинг қиймати шартномада кўрсатилган ёки жорий ҳисоб баҳосида «Далолатнома»га асосан қабул қилиниб, 6010-«Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» ёки бошқа тегишли счётларнинг кредитига ёзилади ва фактуралар келгандагина, банк орқали унинг қиймати тўланади.

Мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашишлар умумлаштирилган ҳолда 6-журнал ордерда 6010-«Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар», 6110-«Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар» ва 6120- «Шўъба ва қарам корхоналарга тўланадиган счётлар» каби счётларнинг кредити бўйича қайд қилиб борилади. Бу журнал ордерда аналитик ва синтетик ҳисоб бир вақтнинг ўзида олиб борилади, аналитик ҳисоб ҳар бир тўлов ҳужжати, кирим ордери ёки қабул қилиш далолатномасига асосан юритилади. Шунингдек, бу журнал ордер ҳар ойнинг бошига мол етказиб берувчиларга тўланмаган сумма билан очилади ва унда:

- тўлов муддати келмаган ҳужжатлар бўйича;
- тўлов муддати ўтган ҳужжатлар бўйича;
- бойликлар келиб тушмаган, лекин тўлов ҳужжати бўйича қиймати тўланган;
- бойликлар келиб тушмаган ва тўлов ҳужжатлари тўланмаган;
- фактурасиз қабул қилинган бойликларнинг ой бошига қолдиқ суммаси алоҳида

кўрсатилиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида келгуси даврга тегишли даромад бўйича олган бўнаги, келиши кутилаётган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, чиқарилган облигациялар юзасидан чегирма ёки устамалар, солиқлар ва мажбурий тўловлар муддатининг узайтирилиш муомалалари содир бўлади.

Жорий даврда тўлов муддати узайтирилган ва вақтинча қарзлар сифатида келгусида тўланадиган жорий дебиторлик ва кредиторлик қарзлари 21-сонли БҲМСга мувофиқ қуйидаги счётларда ҳисобга олинади:

6210-«Муддати узайтирилган дисконт (чегирма)лар»;

6220-«Муддати узайтирилган мукофотлар»;

6230-«Муддати узайтирилган даромадлар».

Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига асосан бўнак сифатида олинган пул маблағлари дебиторлик ва кредиторлик қарзларини вужудга келтиради ва товар ҳамда хизматларнинг ҳақиқий сотилиши рўй бермагунга қадар, даромад деб ҳисобга олинмайди.

Келгуси ҳисобот даврига тегишли даромадлар бир меъёрда 6230-«Муддати узайтирилган даромадлар» счётининг дебетидан 9350-«Қисқа ижарадан олинган даромадлар», 9540-«Валюта курсидаги фарқдан олинган даромадлар», 9550-«Узоқ муддатли ижарадан олинган даромадлар»лар каби счётларнинг кредитига ўтказиб борилади.

Мақолада таҳлиллар амалиётда муддати узайтирилган даромадларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича муаммоларга дуч келинаётганлигини аниқлаш имконини берди (2-жадвал).

2-жадвал

“НИЛУФАР-ЛОЛА ТЕКСТИЛЬ” масъулияти чекланган жамиятнинг муддати узайтирилган даромадлари тўғрисидаги маълумотлар

(минг сўм ҳисобида)

2020 йил		2021 йил		2022 йил	
Сумма	Баланс валютасига нисбатан, %	Сумма	Баланс валютасига нисбатан, %	Сумма	Баланс валютасига нисбатан, %
50 899	0,46	11 200	0,24	89 000	0,49

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “НИЛУФАР-ЛОЛА ТЕКСТИЛЬ” масъулияти чекланган жамиятнинг муддати узай-

тирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари суммасининг баланс қийматидаги улуши унча катта эмас. Бироқ бу ҳолатни қонуният

деб қараб бўлмайди, чунки дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг бундай тури бошқа корхоналарда аҳамиятга молик бўлиши мумкин. Шунинг учун муддати узайтирилган даромадларни бухгалтерия ҳисобида тўғри

ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда объектив акс эттириш мақсадида 21-сонли БҲМСга асосланиб, улар қуйидаги тарзда ёзувлар билан расмийлаштирилади:

1. Ижара шартномаси имзоланиб, маблағ келиб тушган пайтда:

Дт: 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» – 6000000 сўм;
 Кт: 7230- «Бошқа муддати узайтирилган даромад» – 3000000 сўм;
 Кт: 6230-«Бошқа муддати узайтирилган даромад» – 3000000 сўм.

2. Даромад ойма-ой тан олиб борилганда:

Дт: 6230-«Муддати узайтирилган даромад» – 250000 сўм;
 Кт: 9350-«Қисқа муддатли ижарадан олинган даромад» – 250000 сўм.

Агар ижара шартномаси бўйича маблағ ҳар 6 ойда бир марта тўланиши кўзда тутилган бўлса, бу хўжалик муомаласи бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

1. Ҳар ойнинг якунига кўра:

Дт: 4820-«Қисқа муддатли ижара бўйича тўловлар» – 250000 сўм;
 Кт: 9350-«Қисқа муддатли ижарадан олинган даромад» – 250000 сўм.

2. 6 ой якунига ижарага олган ташкилот томонидан тўлов амалга оширилганда:

Дт: 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» – 1500000 сўм;
 Кт: 4820-«Қисқа муддатли ижара бўйича тўловлар» – 1500000 сўм.

Муддати узайтирилган даромадларни бухгалтерия ҳисобида ва ҳисоботида бундай тарзда акс эттириш ҳисобот даври молиявий натижаларини тўғри аниқлаш имконини беради.

6240-«Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари» счёти бўйича аналитик ҳисоблар ҳар бир солиқ ва мажбурий тўловларнинг тўғри ва қоплаш муддати бўйича алоҳида юритилади.

6290-«Муддати узайтирилган бошқа дебиторлик ва кредиторлик қарзлари» счётида субъектнинг юқоридаги счётларида кўрсатиб ўтилмаган муддати узайтирилган бошқа дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган ва аналитик ҳисоби ушбу дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳар бир тури бўйича алоҳида юритилади.

Ҳозирги шароитда истеъмол бозорида рақобат кескинлашиб боради. Бу эса корхоналардан молиявий барқарорликни талаб қилади. Корхоналарнинг молиявий барқарорлиги эса аксарият ҳолларда корхона фаолиятида кредиторлик қарзларининг иштироки билан белгиланади. Корхона раҳбари менежери вазиятни назорат қилиши учун кредиторлик қарзларини оқилона бошқаришни билиши лозим. Бунинг учун эса иқтисодий алоқада бўлаётган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект бўйича махсус шаклдаги карточка юритилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади (3-жадвал) [13].

Агар амалдаги жадвалда корхонадаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари корхоналарнинг фақат умумий ҳолати тўғрисидаги маълумотни берса, кредитор корхона карточкаси кредиторлик қарзи юзага келишидан бошлаб, то баланс тузиш санасигача бўлган даврга қарздорлик суммасининг ўзгариши тўғрисида аниқ маълумот беради.

Дивидендлар бўйича субъектларнинг таъсисчилар олдидаги жорий дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ва чиқиб кетаётган таъсисчиларнинг улушлари қуйидаги счётларда ҳисобга олинади:

6610- «Тўланадиган дивидендлар»;

6620-«Чиқиб кетаётган муассисларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар».

Корхонанинг раҳбарияти дивидендларни тўлаш ҳақида эълон қилса, улар жорий дебиторлик ва кредиторлик қарзларида акс эттирилиши керак. Корхонанинг раҳбарияти томонидан тўлаш ҳақида расмий эълон қилинмаган имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ва бошқа дивидендлар мажбурий ҳисобланмайди. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамияти ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги амалдаги қонунига ва дивидендларни ҳисоблаш тартибига мувофиқ тақсимланади.

6610-«Тўланадиган дивидендлар» счёти 8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси» счёти билан корреспонденциясида дивидендлар бўйича ёзилган суммаларга қараб кредитланади.

Дебитор-кредитор корхона карточкаси № 05С

Сана	Муомала мазмуни	Шартнома№	Йиллик айланма, сўмда		Қолдиқ, сўмда	
			Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
01.2022	01.01.2022 га қолдиқ				124979364	
01.2022	Шарт.№46 га асосан маҳсулот берилди, ҳисоб-фактура №1	46	11032588,8		136011953,7	
01.2022	Шарт.№46 га асосан кўрсатилган хизмат учун ҳисоб-фактура №2	46		50000000	86011953,7	
01.2022	Шарт.№46 га асосан маҳсулот берилди, ҳисоб-фактура №3	46	8130178		94142131,3	
01.2022	Шарт.№45 га асосан маҳсулот берилди, ҳисоб-фактура №4	45	3754163		97896293,8	
01.2022	Шарт.№45 га асосан маҳсулот берилди, ҳисоб-фактура №5	45	8157150		106053443,8	
01.2022	Шарт.№46 га асосан маҳсулот берилди, ҳисоб-фактура №6	46	8178777,6		114232221,4	
01.2022	Шарт.№46 га асосан маҳсулот берилди, ҳисоб-фактура №7	46	7088400		121320621,4	
01.2022	Шарт.№46 га асосан кўрсатилган хизмат учун ҳисоб-фактура №8	46		21158800	100161821,4	
02.2022	Шарт.№ 46, 9 га асосан кўрсатилган хизмат учун	46,9	7010401,2		107172222,6	
02.2022	Шарт.№46 га асосан кўрсатилган фактура № 10 хизмат учун ҳисоб-фактура №10	46		50000000	57172222,6	
02.2022	Шарт.№9 га асосан маҳсулот берилди, ҳисоб-фактура №11	9	4707780		61880002,6	
02.2022	Шарт.№9 га асосан маҳсулот берилди, ҳисоб-фактура №11	9	4524000		66404002,6	
02.2022	Шарт.№9 ва 46 га асосан маҳсулот берилди, ҳисоб фактура №11	46,9	8153820		74557822,6	
02.2022	Шарт.№9 га асосан маҳсулот берилди, ҳисоб-фактура №16	9	6597480		81155302,6	
02.2022	Шарт.№9 га асосан маҳсулот берилди, ҳисоб-фактура №16	9	7555818		88711120,6	
02.2022	Шарт.№9 га асосан маҳсулот берилди, фактура № 10 ҳисоб-фактура №16	9	3067050		91778170,6	
	01.04.2022 га қолдиқ		454416145,4	461558800		7397654,6

6620-«Чиқиб кетаётган муассисларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар» счётида чиқиб кетаётган таъсисчиларнинг улуши бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзлари акс эттирилади, кредити бўйича ёзилган қарз суммаси 8620-«Сотиб олинган ўзининг имтиёзли акциялари» счёти билан корреспонденциясида акс эттирилади.

6610-«Тўланадиган дивидендлар» счёти 6620-«Чиқиб кетаётган муассисларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир таъсисчи бўйича олиб борилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича юзага келаётган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳисобини ўрганиш бу соҳада айрим муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Булардан энг асосийси ўз вақтида тўланмаган иш ҳақини ҳисобга олиш жараёнидир. Амалиётда ўз вақтида тўланмаган сумма 6710-«Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоблашиш» счётида то тўлангунига қадар ҳисобга олиниб борилади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда амалга ошириладиган тўқимачилик саноати корхоналарининг мо-

лиявий барқарорлиги улар ўртасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ўз вақтида бажарилиб борилишига бевосита боғлиқ.

Мақолада иқтисодийнинг турли тармоқ корхоналарининг молия-хўжалик фаолияти хусусиятлари ўрганилиб, уларнинг молиявий ҳолатини яхшилашнинг муҳим жи-

ҳатлари сифатида қуйидагиларни тавсия қиламиз:

- айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш асосида кредиторлик мажбуриятларини камайтириш;

- дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш тадбирларини ишлаб чиқиш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегияси тўғрисида” фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги» фармони.
3. Ковалев В.В. Финансы. Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Проспект, 2007. – 626 с. (с. 346).
4. John S. Oh. Opportunity Cost in the Evaluation of Investment in Accounts Receivable. // *Financial Management*, Vol. 5. №2 (Summer, 1976). P. 32-36.
5. Daniel Seifert a, Ralf W. Seifert, Margarita Protopappa-Sieke. A review of trade credit literature: Opportunities for research in operations. // *European Journal of Operational Research*. № 231. 2013. P. 245-256.
6. Baveld M.D. Impact of Working Capital Management on the Profitability of Public Listed Firms in The Netherlands During the Financial Crisis. // *LAMBERT Academic Publishing*. 2012. P. 96.
7. Yong H. Kim, Joseph C. Atkins. Evaluating Investments in Accounts Receivable: A Wealth Maximizing Framework. // *The Journal of Finance*, Vol. 33. №2 (May, 1978). С. 403-412. **31.**
8. Zvi Lieber, Yair E. Orgler. *An Integrated Model for Accoun.*
9. Бланк И.А. Финансовый менеджмент. – Киев: Ника-Центр, 2004. – 195 стр.
10. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2003. – 224 б. 26-б.
11. Ғуломова Ф.Ф. *Buxgalteriya hisobining milliy standartlari*. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма. – Т.: НОРМА, 2010.
12. Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. *Молиявий ва бошқарув таҳлили*. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2005. – 480 б.
13. “НИЛУФАР-ЛОЛА ТЕКСТИЛЬ” масъулияти чекланган жамият тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари. 2020-2022 йй.